БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 216 (447)
30 ОКТЯБРЬ
ЯКШАНБА
1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## Областимиз пахтакорлари КПСС МК Чақириқларига амалий иш блан жавоб бермоқдалар

### ПАХТА ДАЛАЛАРИНИНГ ИЛҒОРЛАРИ



КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақа асосида ишлаётган Юқоричирчиқ районининг илғор пахтакорлари меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Район пахтакорлари область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. **Суратда:** (чапдан ўнгга) Сталин номли колхоз а'зоси **С. Тўйчиева**, «Париж коммунаси» колхозининг илғор теримчиларидан **М. Қодирқулова**, **С. Серикбоева** ва Жамбул номли колхоз а'зоси **А. Сайфуллаева** ўртоқлар. Бу илғор теримчиларнинг ҳарбири шу кунга қадар 7300—8700 килограммдан пахта тердилар.

**Ф. Бобохўжаев фотолари.**

## Саноат корхоналарини қишки мавсумга пухта тайёрлайлик

Совет халқи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан мамлакатимиз экономикасини кескин суратда ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган улуғвор программани зўр ғайрат ҳамда матонат блан амалга оширмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 38 йиллиги муносабати блан чиқарган Чақириқлари бутун совет кишилари каби областимиз меҳнаткашларининг ҳам ижодий ташаббуси ва меҳнат соҳасидаги ғайратини ошириб юборди. Партия корхона коллективларини социалистик саноатимизни янада зўр бериб юксалтиришга чақирмоқда.

Социалистик саноатимиз олдига қўйилаётган ғоят катта вазифалар ҳарбир корхонанинг, ҳарбир цех ва участканинг бир ме'ёрда ишлашини, давлат планларининг ҳарқандай шароитда ҳам ҳеч сўзсиз тўла ва ошириб бажарилишини талаб қилмоқда. Ма'лумки, бирор цех ёки участкада ишлабчиқариш графигининг бузилиши бошқа цехларнинг кўрсаткичига ҳам, қолаверса бутун корхона кўрсаткичига жуда катта салбий та'сир қилади, агрегат, механизм ва станокларнинг бекор туриб қолишига ва оқибатда сверхурочний ишларга, ишлабчиқаришда штурмчиликка олиб келади, бу эса ўз навбатида тайёрланаётган маҳсулот сифатининг пасайишига, таннархининг ошиб кетишига, кўплаб моддий бойликларнинг ошиқча исроф бўлишига сабаб бўлади.

Олтин куз ўтиб бормоқда, совуқ ва изғиринли, ёмғир ва қорли қиш ойлари яқинлашиб келмоқда. Кузги-қишки давр корхоналар, транспорт ва қурилишларда давлат планларининг бажарилиши йўлида бирқанча қўшимча қийинчиликларни вужудга келтиради. Бу қийинчиликларни олдиндан ҳисобга олмаслик асло мумкин эмас. Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг шу кундаги муҳим вазифаларидан бири — корхоналар, транспорт ва қурилишларни қишки мавсумга ҳартарафлама пухта ҳамда бекамі-кўст тайёрлашдан иборатдир.

Ўтган йилларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қаерда хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари корхоналарни қишки мавсумда ишлашга пухта тайёрлаган бўлсалар, у ерда совуқ ва ёғингарчилик пайтларида ҳам маҳсулот ишлаб чиқариш бир ме'ёрда ортаборган, қиш ойлари туғдирган қўшимча қийинчиликлар корхона техника-иқтисодий кўрсаткичига заррача ҳам салбий та'сир кўрсатаолмаган. Аксинча, қаерда бу муҳим соҳага ўз вақтида жиддий э'тибор берилмаган бўлса, у ерда дастлабки ёғингарчиликларнинг ўзидаёқ ишлабчиқариш графиклари бузилган ва натижада давлат планлари бажарилмай қолган.

Корхоналарни қишки мавсумга тайёрлаш — муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишдир. Узоқни кўрувчи, ўтган йилларнинг аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқариб олган айрим корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари қишга тайёргарлик кўриш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни ёз ойларидаёқ амалга оширишга киришган эдилар. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ электрохимия комбинати ва областимиздаги бирқатор корхоналарда қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўрилаётир. Чирчиқ электрохимия комбинатида бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Кўпчилик биноларнинг томлари ва эшиклари, иситиш ҳамда вентиляция хўжалиги ўз вақтида сифатли ремонт қилинди, дераза ромларига ойна ўрнатилди, анчагина миқдорда зарур материаллар, хомаш'ё ва ёқилғи запаслари жамғарилди. Комбинат партия ташкилоти ва бутун корхона жамоатчилиги қишки мавсумга тайёргарлик ишларини қат'ий контроль остига олган. Цех ва участкалар ремонт учун зарур бўлган материаллар блан етарли миқдорда та'минланмоқдалар. Партия ва касаба союз ташкилотлари коллективнинг бутун диққат-э'тиборини шу кундаги энг муҳим масала — қишки мавсумга тайёргарлик кўриш масаласига қаратганлиги сабабли, комбинатдаги асосий ишлабчиқариш об'ектлари ҳозирнинг ўзидаёқ тўла ремонтдан чиқарилди.

Бу йил корхоналар қишки мавсумга тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган маблағлар блан ўтган йиллардагига қараганда анча кўп миқдорда та'минландилар. Ҳамма гап ана шу ажратилган маблағларни тежаб-тергаб ўз вақтида жой-жойига сарф қилишда қолган. Афсуски, областимиздаги кўпгина корхоналарда қишки мавсумга тайёргарлик кўришга ҳали чинакамига киришилгани йўқ. Ба'зи корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари ўтган йилдаги аччиқ сабоқлардан ҳалигача тегишли хулоса чиқариб олган эмаслар. Улар «ҳали вақт эрта» деган зарарли кайфиятга берилиб, қишки мавсумга тайёргарлик кўришдек муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўймоқдалар. Жумладан, Бекободдаги Хилково цемент заводида, Янгийўл шаҳар корхоналарида, Тошкентдаги «Под'ёмник» ва Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводларида қишки мавсумга тайёргарлик кўриш ишлари мутлақо қониқарсиз олиб борилмоқда.

«Под'ёмник» заводининг раҳбарлари асосий ишлабчиқариш об'ектларини ремонт қилиш, уларни тартибга солиш, зарур миқдорда хомаш'ё, ёқилғи жамғариш ўрнига, иккинчи даражали ишлар блан шуғулланмоқдалар. Завод раҳбарлари корхона бошқармасини, ўзлари ишлайдиган хоналарни ремонт қилишга берилиб кетиб, энг муҳим цех, участка ва складларни тартибга солишга мутлақо э'тибор бермаётирлар.

Худди шундай аҳволни Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йили қишга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги сабабли корхонанинг кўпгина цехлари, жумладан қуюв цехи ёғингарчиликнинг дастлабки кунларидаёқ бирнеча кунлаб, ҳатто ойлаб ишламай қолган ва оқибатда завод техника-иқтисодий кўрсаткичи қиш ойларида кескин суратда камайиб кетган эди. Афсуски, завод раҳбарлари бу йил ҳам ўтган йилги жиддий хатоларни яна айнан такрорламоқдалар. Цех ва участкаларда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди.

Шуни унутмаслик керакки, вақт бизни кутиб турмайди. Ёғингарчилик ва совуқ кунларгача жуда оз вақт қолди. Хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотларининг вазифаси — ҳозирги ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан унумли фойдаланиб, корхоналарни қишки мавсумда ишлашга бекамі-кўст тайёрлашдан иборатдир. Қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўриш — коллективнинг ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятини шараф блан бажариш учун зарур бўлган ҳамма шароитларни яратиб бериш демакдир.

Қишга тайёргарлик кўриш — ишлабчиқариш ва маиший биноларни ремонт қилишдангина иборат бўлмай, балки шу блан бирга старли миқдорда ёқилғи, материал ва хомаш'ё запасларини жамғариш демакдир. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, куз-қиш ойлари корхоналаримиз ишидаги энг ҳал қилучи даврдир, йиллик давлат планлари худди шу ойларда якунланади. Шу сабабли биз қишки мавсумга қанчалик намунали тайёргарлик кўрсак, бешинчи бешйиллик планининг ва 1955 йил давлат топшириқларининг муддатидан илгари бажарилишига ва социалистик саноатимизнинг янада юқори босқичга кўтарилишига шунчалик пухта замин ҳозирлаган бўламиз.

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

| Районларнинг номи | Бир кунда | Мавсум бошидан | Районларнинг номи | Бир кунда | Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўртасарой | 0,64 | 84,71 | Гулистон | 0,58 | 70,14 |
| Оҳангарон | 0,25 | 82,11 | Оққўрғон | 0,36 | 70,12 |
| Оржоникидзе | 0,25 | 80,17 | Янгийўл | 0,36 | 69,44 |
| Пискент | 0,44 | 79,82 | Ўртачирчиқ | 0,45 | 65,43 |
| Юқоричирчиқ | 0,48 | 79,66 | Чиноз | 0,51 | 64,25 |
| Мирзачўл | 0,23 | 76,27 | Калинин | 0,03 | 64,24 |
| Сирдар'ё | 0,29 | 75,64 | Қуйичирчиқ | 0,69 | 60,08 |
| Октябрь | 0,60 | 73,96 | Бекобод | 0,30 | 56,70 |
| Верхне-волинск | 0,24 | 71,71 | Ховос | 0,55 | 52,90 |
| Бўка | 0,41 | 71,58 | Боёвут | 0,50 | 50,80 |

### ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисобида)

| Совхозларнинг номи | Бир кунда | Мавсум бошидан | Совхозларнинг номи | Бир кунда | Мавсум бошидан |
|---|---|---|---|---|---|
| 4-нчи Вревский | 0,77 | 88,85 | 2-нчи «Далварзин» | 0,19 | 58,33 |
| «Малик» | 0,47 | 78,65 | 1-нчи «Далварзин» | 0,58 | 57,05 |
| 16-нчи совхоз | 0,40 | 73,48 | 3-нчи Вревский | — | 55,21 |
| 17-нчи совхоз | 0,55 | 68,52 | 2-нчи «Боёвут» | 0,89 | 46,69 |
| «ЎзССР бешйиллиги» | 0,69 | 60,08 | 3-нчи «Боёвут» | 0,57 | 46,24 |
| 3-нчи «Далварзин» | 0,23 | 58,69 | 4-нчи «Боёвут» | 0,55 | 45,93 |
| 1-нчи «Баёвут» | 0,67 | 58,51 | Кўкорол | 0,13 | 32,18 |
| | | | 10-нчи совхоз | 0,44 | 22,70 |

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### Туркман давлат опера ва балет театрини Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Совет театр сан'атини ривожлантиришда кўрсатган катта хизматлари учун Туркман давлат опера ва балет театри **Меҳнат Қизил Байроқ** ордени блан мукофотлансин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.**

Москва, Кремль.
1955 йил, 28 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### Туркманистон ССР сан'ат ходимларига СССР халқ артисти деган фахрий унвон бериш тўғрисида

Совет сан'атини ривожлантиришда кўрсатган катта хизматлари учун ҳамда Туркман адабиёти ва сан'атининг Москва шаҳрида ўтказилган декадаси муносабати блан қуйидагиларга **СССР халқ артисти** деган фахрий унвон берилсин.

1. **Қорлиев** Олти — Туркманистон ССР халқ артисти, И. В. Сталин номидаги Туркман давлат драма театрининг бош режиссёри.
2. **Қулиева** Маманжон — Туркманистон ССР халқ артисткаси, Туркман давлат опера ва балет театрининг солисткаси.
3. **Муродова** Сона — Туркманистон ССР халқ артисткаси, И. В. Сталин номидаги Туркман давлат драма театрининг артисткаси ва директори.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.**

Москва, Кремль
1955 йил, 28 октябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### Академик А. Ф. Иоффега Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш тўғрисида

Фан соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунининг етмиш беш йиллиги муносабати блан академик Абрам Федорович **Иоффега Социалистик Меҳмат Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Ўроқ ва болға»** олтин медали топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.**
**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.**

Москва, Кремль
1955 йил, 28 октябрь.

### Туркманистон ССР адабиёт ва сан'ат ходимлари орденлар ва медальлар блан мукофотланди

Туркман адабиёти ва сан'атини ривожлантиришда кўрсатган катта хизматлари учун ҳамда Туркман адабиёти ва сан'атининг Москвада ўтказилган декадаси муносабати блан СССР Олий Совети Президиумининг Фармони блан Туркманистон ССР халқ артисти Б. Омонов, Туркманистон ССР халқ артисти Х. Аннадурдиев, Туркманистон ССР халқ артисткаси А. Аннақулиева, ёзучи К. Бурунов, ёзучи Б. М. Кербобоев, Туркманистон ССР халқ артисти М. А. Кириллов, СССР халқ артисти А. Қулмамедов, композитор, Туркманистон ССР да хизмат кўрсатган сан'ат арбоби В. Мухатов Ленин ордени блан мукофотландилар.

Меҳнат Қизил Байроқ ордени блан 33 киши, «Ҳурмат белгиси» ордени блан 95 киши, «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали блан 123 киши мукофотланди. (ТАСС).

### Г. Н. ЧЕРДАНЦЕВНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги 29 октябрь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент- а'зоси, иқтисодий фанлар доктори, профессор Г. Н. Черданцев туғилган кунинг 70 йиллиги ва илмий-педагогика фаолиятининг 40 йиллигини нишонлади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида экономист олимнинг юбилейига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти К. Е. Житов кириш нутқи сўзлаб уқтириб ўтдики, Г. Н. Черданцев Ўзбекистоннинг ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг ишлабчиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳамда даштлик ерларни хўжалик жиҳатидан ўзлаштириш блан боғли бўлган проблемаларни илмий асосда ишлаб чиқишда кўп ишлар қилди. Г. Н. Черданцев В. Й. Ленин номли Ўрта Осиё Давлат университетининг ташкилотчиларидан бири ва бу университетнинг биринчи ректори бўлди. Г. Н. Черданцев ҳозирги вақтда катта илмий, педагогик ва жамоат ишлари олиб бормоқда.

Ўрта Осиё Давлат университети, Ўрта Осиё политехника институти ва бошқа кўпгина илмий муассасаларнинг вакиллари юбилярни қизғин табрикладилар. Республика Олий Совети Президиумининг Г. Н. Черданцевга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби деган фахрий унвонни бериш тўғрисидаги фармони ўқиб эшитдирилди. (ЎзТАГ).

### Пахтакорларга амалий ёрдам бермоқдамиз

Тошкент шаҳар Октябрь районининг меҳнаткашлари партиямизнинг қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш тўғрисидаги қарорларининг бажарилишига ҳисса қўшиш учун Ўртачирчиқ район меҳнаткашларига амалий ёрдам бермоқдалар.

Районимиздаги корхоналарнинг коллективлари Ўртачирчиқ районидаги колхозларни оталикка олиб, баҳор ва ёз ойларида чигит экиш ва ғўзани парвариш қилиш даврида колхозларга хўжалик ва транспорт воситалари блан ёрдам бериб турдилар.

Колхозчилар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда колхоз партия ташкилотларига ёрдам бериш учун район партия активидан 15 киши юборилди. Улар колхоз партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ва сиёсий-оммавий ишларни йўлга қўйишда самарали иш олиб бордилар. Колхозчиларга маданий хизмат кўрсатиш учун Маданият уйи, Ҳамза номли давлат академик театри ва Охунбобоев номли ёш тамошабинлар театри коллективлари колхозларга чиқиб, концертлар бердилар, деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқаришда актив қатнашдилар.

Йўллар министрлиги машинасозлик заводининг коллективи, «XVIII партконференция» артели, Сталин номли артель, райпромкомбинат ва бошқа корхона ҳамда муассасалар Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли», Сталин номли, Каганович номли ва бошқа колхозларда катта иш олиб бордилар.

Пахта йиғим-терими даврида колхозчиларга ва болалар муассасаларига медицина ёрдами бериш учун бу районга 10 врач, 8 медицина ҳамшираси ҳамда болалар боқчаси ва ясли ходимларидан 10 киши юборилди.

Районимизнинг меҳнаткашларидан мингларча ватанпарварлар пахта йиғим-терими даврида етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмай, йиғиб-териб олишда колхозчиларга ёрдам бериш учун пахта далаларида ғайрат блан ишлаётирлар. Якшанба кунларида район меҳнаткашларидан пахта далаларига 6 — 7 минг киши чиқиб туради. Йиғим-теримда 1-нчи босмахона коллективи айниқса актив қатнашмоқда. Босмахонанинг Энгельс номли колхозда ишлаётган ишчи ва хизматчиларидан ўртоқ Ахмедшина, Шодмонова, Лукьянова, Яровская ва бошқалар ҳар куни 60—70 килограммдан пахта термоқдалар.

Биз колхозларга оталик ёрдамини янада яхшилаш ва пахтани нобуд қилмай йиғиб-териб давлатга топшириш учун Ўртачирчиқ районининг колхозчиларига бераётган ёрдамимизни янада кучайтирамиз.

**Ш. ШОИСЛОМОВ,**
Тошкент шаҳар Октябрь район партия комитетининг секретари.

### Юксалаётган колхозда

«Ленинизм» колхози бирнеча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажараолмай Сирдар'ё районидаги қолоқ колхозлар қаторига тушиб қолган эди. Бирнеча йилдан бери орқада қолиб келаётган бу колхозга ўтган йили ишбилармон, тажрибали ўртоқ О. Тиллаев раис, ўртоқ Алимов партия ташкилотининг секретари қилиб сайландилар.

Колхоз правлениесининг янги состави агротехника фани ютуқлари ҳамда илғорларнинг тажрибаларини кенг қўллаб, 570 гектар ерга чигитни янги, прогрессив усулда экишда пахтакорларга тўғри раҳбарлик қилаолди. 450 гектардан ортиқ ерга ғўзалар квадрат-уялаб жойлаштирилди. Ғўза парвариши юқори агротехника қоидалари асосида механизация кучи блан ўтказилди. Натижада илгариги йилларга нисбатан 22 мингта меҳнат куни тежалиб, олинган мажбурият қопланадиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай, тезда йиғиб-териб давлатга топшириш юзасидан пухта тайёргарлик кўрди, колхозчилар теримга бирдамлик ва уюшқоқлик блан киришдилар. Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ колхозчиларга маданий-маиший шароитлар яратилиб, оммавий-сиёсий ишлар кучайтириб юборилди.

Шунингдек, теримчиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам алоҳида э'тибор берилиб, ҳар ўн кунда ғалла ва пул аванслари тақсимлаб турилмоқда. Ана шу тадбирларнинг амалга оширилиши пахта териш ҳамда давлатга топшириш сур'атини кундан-кунга кучайтирмоқда. Колхоз кунига йиллик планнинг 2,5—3 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, район сводкасидаги 7-нчи ўриндан 1-нчи ўринга чиқиб олди.

Колхоз а'золари октябрьнинг учинчи бешкунлигида 13 процент миқдорида пахта тайёрлаб, районнинг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлдилар. Айниқса, ўртоқ Т. Турсунов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси пахта тайёрлаш планини колхозда биринчи бўлиб бажариб, юқори кўрсаткичларга эришди. Шунингдек, Б. Додаев, А. Кароматов ўртоқлар бошлиқ звено а'золари пахта тайёрлаш планини 110—115 процентдан ошириб бажардилар. Ўртоқ Д. Тиллаев бошлиқ бригада а'золари ҳозир пландан ташқари пахта топширмоқдалар.

Колхозда кўпмингчиларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир 200 теримчи колхоз хирмонига 6—7 минг килограмдан ошириб пахта топширди. М. Раҳмонова, Б. Муртозова, Ш. Исмоилова ва М. Қирғизбоева каби ўртоқлар шулар жумласидандир.

Колхоз а'золари партиямиз XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин бажариш учун барча ишчи кучи ва моддий-техникадан тўла ва унумли фойдаланганлари ҳолда, астойдил меҳнат қилмоқдалар. Колхоз а'золари Қизил байроқни йилнинг охиригача ўз қўлларида сақлаб қолиш учун ғайратларига-ғайрат қўшиб, самарали меҳнат қилмоқдалар.

**А. НАБИХЎЖАЕВ.**

### Қўшимча мажбурият олинди

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоз а'золари 875 гектар ерга чигит экканлар. Улар ғўзани илғор агротехника талабларига мувофиқ парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Колхозчилар етиштирилган «оқолтин»ни сра ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ишини ҳам зўр уюшқоқлик блан давом этдираётирлар.

Колхознинг ўртоқ Т. Каримбоев бошлиқ бригада а'золари эса 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 24 центнердан пахта топшириб, планни ортиғи блан бажардилар. Бу бригада теримчиларидан Б. Каримбоева, Ҳ. Унибоева ва бошқа ўртоқлар ҳар куни 90—100 килограммдан пахта териб, меҳнат унумини оширишда, айниқса намуна бўлаётирлар.

КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларидан ғоят руҳланган бу бригада а'золари социалистик мусобақани янада қизитиб гектаридан яна 15 центнердан пахта топшириш, бу мажбуриятни улуғ байрам кунигача бажаришга аҳд қилдилар.

**Н. СОБИРОВ.**

### Кўракни машина блан йиғиб олишга киришилди

МОЛОТОВ, 27 октябрь. (ЎзТАГ). Ўртасарой районида кўрак териш бошланди. Буерда кўрак терадиган «СКН-4» маркали тўртқаторли осма машиналар ишлатилмоқда. Райондаги биринчи МТС-нинг Булганин номли ва «Северний маяк» колхозларига бириктилган ҳайдовчи-механизаторлари бу ишга районда ҳаммадан илгари киришдилар. Улар ишни группа усулида ташкил қилдилар. Ажратилган участкаларга 2—3 агрегат юборилди. Терилган кўсаклар шу жойнинг ўзидаёқ кўрак тозалайдиган машина орқали тозаланиб, бу жойдан тўғридан-тўғри тайёрлаш пунктига жўнатилмоқда.

Группа усули юқори кўрсаткичларга эришишни та'минламоқда. Кўрак териш машиналарини ҳайдовчи механизаторлардан Ҳошим Нуриддинов ва Ен Чун Ким ўртоқлар кундалик топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Уларнинг ҳарбири кунига нормадаги 7 ўрнига деярли 10 гектар ердаги кўракни териб олмоқдалар.

Механизаторлар техникадан яхши ва унумли фойдаланишга интилиб, икки смена бўлиб ишлашга кўчдилар. Ҳозир далаларда ишлаш учун чиқарилган 20 та агрегатнинг ҳарбирига 2 тадан механик-ҳайдовчи ажратилган.

### Йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилди

Мирзачўл районидаги Маленков номли колхоз пахтакорлари байрамолди вахтасида туриб, фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар партиямизнинг байрамолди Чақириқларига амалий иш блан жавоб бериш учун курашиб, йиллик пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар, ҳар гектар ердан 23,5 центнердан ҳосил топширишга эришдилар.

У. Исроилов, Ш. Қорабоев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадалар йиллик планни 110—115 процент қилиб адо этдилар.

Ҳали колхоз даласида пахта кўп. Маленков номли колхоз а'золари гектаридан яна 5 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун зўр ғайрат блан курашмоқдалар.

## Октябрьолди мусобақасида ғолиб чиқиш учун

**Юқоричирчиқ район колхозчилари ва механизаторлари ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар**

Свердлов номли колхоз клубига илғор пахтакорлар, механизаторлар, каноп ва жутдан мўл ҳосил етиштирган пешқадам кишилар йиғилган. Биринчи қаторларда ўз меҳнатлари блан зўр муваффақиятга эришган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ўтириптилар.

Қишлоқ хўжалик илғорлари район кенгашини Юқоричирчиқ район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абдуллаев очади. У, область ижроия комитети раисининг вазифасини бажарувчи ўртоқ Мирзабековга сўз беради. Ўртоқ Мирзабеков Юқоричирчиқ районидаги каноп ва жут экучи колхозлар йиллик планларини бажарганликлари, пахтакор колхозлар эса кейинги бешкунликда пахта топшириш графигини муваффақиятли адо этганликлари учун область ижроия комитети ҳамда Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи шу, Юқоричирчиқ районига берилганлигини айтади.

Область кўчма Қизил байроғини район партия комитетининг секретари ўртоқ Й. Иброҳимов қабул қилиб олгач, бундай дейди:

— Районимиз луб экинлари тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди. Биз пландан ташқари давлатга 4 минг тонна каноп ва жут пояси беришга қарор қилганмиз. Районимиз қишлоқ хўжалик ходимлари ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Пахтакорларимиз ҳам шу кунларда йиғим-терим ишлари сур'атини бирмунча тезлаштирдилар.

Юқори ҳосилли ҳисобланган Сталин номли колхоз йиллик планни муваффақиятли бажарди. «Ленинизм» колхозининг а'золари шу кунларда йиллик планни бажариш арафасида туриптилар. Андреев номли, Жамбул номли колхозларнинг пахтакорлари эса 1 ноябрьгача планни бажариш учун курашмоқдалар. Районимиз меҳнаткашлари Октябрьолди социалистик мусобақасини кучайтириб, партиямизнинг XX с'ездига муносиб совға тайёрлаш учун ҳаракат қиладилар.

Йиғилишда биринчи бўлиб Сталин номли колхознинг раиси ўртоқ Жонзоқов сўзга чиқди. У, колхоз пахтакорлари пландан ташқари 150 тонна ҳосил етказиб беришга қарор қилганликларини айтади.

Шундан кейин Свердлов номли колхознинг раиси ўртоқ Кимга сўз берилади.

— Колхозимизнинг барча бригада ва звенолари луб экинлари ҳосилини ўтган йилдагиларга нисбатан кўп миқдорда оширдилар. Натижада колхозимиз катта даромад эгаси бўлди. Колхозчилар ҳамда механизаторлар байрамолди мусобақасини кучайтириб, 7 ноябрьгача барча экин майдонини шудгор қилиб қўйишга қарор қилдилар.

«Ленинский путь» колхозининг раиси Ни, 2-нчи МТС директори Моргунов ўртоқлар қишлоқ хўжалик йили муваффақиятли якунланаётганлигини та'кидладилар.

Йиғилишда область партия комитетининг секретари ўртоқ О. Алимов сўзлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми номидан область ижроия комитети раисининг вазифасини бажарувчи ўртоқ Мирзабеков мукофотланганларга Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқларини топширди.

Йиғилиш қатнашчилари ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдилар. Улар пландан ташқари 4 минг тонна каноп ва жут пояси топшириш тўғрисидаги мажбуриятларини 7 ноябрьгача, пахта тайёрлаш йиллик планини эса 15 ноябрьгача, кузги шудгор қилишни 25 ноябрьгача шараф блан бажаришга қарор қилдилар.

